*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 221 (8461). • 20 ноябрь, 1984 йил • СЕШАНБА • Баҳоси 3 тийин.

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### ҒАЛАБА

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг «Тинчлик» бўлимидан Неъмат Тўлаганов бошлиқ 1-бригада пахтакорлари шу кунга қадар давлатга 475 тонна пахта етказиб бердилар. Ҳосилдорлик 38 центнерга тўғри келди. Илғор бригада деҳқонлари даладаги қолган ҳосилни ҳам нобуд қилмай териб олиб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга аҳд қилганлар.

### ЧИНОЗ

Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари социалистик мажбуриятларини бажардилар. 1570 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан, жами 5457 тонна ҳосил йиғиб олинди.

Колхознинг М. Мирсоатов, А. Бекмуротов, С. Ўринбоева ўртоқлар бошлиқ бригадаларида, айниқса, катта ютуқлар қўлга киритилди. Ҳар гектаридан олинган ҳосил 40—41 центнерданга тўғри келди.

Кўпмингкилограммчи теримчилар мусобақасида М. Болтабоева, Т. Йўлдошева, Н. Сайфуллаева сингари чеварлар пешқадамлиқ қилмоқдалар. Бу азаматларнинг ҳар бири шу кунгача 8—10 тонадан пахта териб топширди.

Хўжалик деҳқонлари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасига жавобан ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Шу райондаги «Партия XXIV съезди» совхози пахтакорлари ҳам мажбуриятларини бажариб, эндиликда ҳосилдорликни 38 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

### ЯНГИЙЎЛ

Мавсум бошлангандан буён район пахтакорларига 16 та агитбригада хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг составида — 2 та миллий ансамбль, цирк коллективи, «Гулбаҳор», «Орзу», «Дўстлик» вокал-чолғу ва эстрада ансамбллари бор. Пахтакорлар бу ансамблларнинг хизматидан беҳад миннатдор бўлмоқдалар.

Агитбригадалар составида кўчма кутубхоналар ҳам ишлаб турибди.

# УЛКАН ВАЗИФАЛАР ОЛДИДАН

Беш йилликнинг тўртинчи йили тугаб бормоқда, тез орада унинг якунловчи йили бошланади. Совет кишилари улкан, масъулиятли вазифалар олдида турганликларини жуда яхши англаб, бу йилни муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари иштирокида ўтказилган навбатдаги мажлисида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилга мўлжалланган давлат плани ва СССР давлат бюджети лойиҳалари кўриб чиқилди.

Мажлисда ўртоқ К. У. Черненко катта нутқ сўзлади. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси унинг нутқида баён этилган кўрсатмалар ва хулосаларини тўла-тўкис маъқуллади, бу кўрсатма ва хулосаларни барча партия, давлат ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фаолиятига асос қилиб олиш зарур, деб топди.

1985 йил кўп жиҳатдан ўзига хос йил бўлади. Бу йилда КПСС XXVII съездига актив тайёргарлик кўрилади, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланади. «Буларнинг ҳаммаси янги йилда биз қилишимиз лозим бўлган катта ишларга алоҳида сиёсий мазмун бахш этиши шубҳасиз. Бу ишлар ҳозирги беш йилликни муваффақиятли тугаллашга ва ўн иккинчи беш йиллик учун яхши, мустаҳкам негиз яратиш учун барча кучларни сафарбар этиш белгиси остида ўтказилиши лозим», деб уқтириб ўтди ўртоқ К. У. Черненко.

1985 йилги план ва бюджет лойиҳаларини тайёрлаш учун кўп куч-ғайрат сарфланди, ютуқларимиз ҳам, мавжуд камчиликлар ҳам ҳисобга олинди. Бир қанча сабабларга кўра 1981—1982 йилларда халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари белгиланганидан бир оз пастроқ бўлиб чиқди. Партия вазиятни реал баҳолаб, салбий тенденцияларни тугатишга, иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга қаратилган таъсирчан чораларни ишлаб чиқди. Бу чоралар ўз натижаларини берди — экономика янада узлуксиз ривожлана бошлади. Кейинги икки йил халқ хўжалигининг истисносиз ҳамма тармоқлари ишида ижобий силжишлар билан нишонланади. Қишлоқ хўжалигида умид бахш этувчи ўзгаришлар рўй бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида бу ҳақда гапириб ўтилди. Мана шуларнинг ҳаммаси совет кишиларининг турмуш даражасига хайрли таъсир ўтказди. Бу эса партия иқтисодий сиёсати тўғрилигининг, ишлаб чиқилган йўл ҳақлигининг асосий мезонидир.

Бу натижаларга эришишга нималар имкон берди! Аввало марказдаги ва жойлардаги партия ташкилотлари, совет ҳамда давлат органларининг хўжалик қурилишига раҳбарликни такомиллаштириш соҳасидаги бирмунча собитқадам, амалий иши бунга имкон берди. Барча лавозимлардаги кадрларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди, ишларнинг аҳволи учун уларнинг масъулияти оширилди. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини, уюшқоқликни мустаҳкамлаш ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бутун халқ бу тадбирларни қўллаб-қувватлади.

Ялпи куч-ғайратлар билан экономикадаги ижобий силжишлар мустаҳкамланибгина қолмай, кўпайтирилиши ҳам керак. Баъзи жойларда қолоқликни тугатишга муваффақ бўлинмаганини иш якунлари кўрсатиб турибди. Бу гап маҳсулот турлари юзасидан белгиланган планнинг бажарилишига айниқса тааллуқлидир. Айрим жойларда беғамлик, хотиржамлик кайфиятлари ҳукм сурмоқда. Бундай кайфиятлар учун ўрин бўлмаслиги керак. Орқада қолаётганлар олдингиларга етиб олишлари, планни уддалаётганлар илғорларга тенглашишлари, олдинда бораётганлар суръатни сусайтирмасликлари керак.

Беш йилликнинг якуиловчи йили плани лойиҳаси экономикадаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадини кўзлайди. Унда умумиқтисодий кўрсаткичлар бўйича халқ хўжалигини ўстиришнинг беш йиллик аввалги йилларидаги ўртача кўрсаткичларга нисбатан анча юқори суръатлари белгиланган. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашга асосий эътибор берилган. Ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари анча ривож топади, газ саноати, атом энергетикаси аввалгидек юксак суръатлар билан ривожлантирилади. Металлурглар, машинасозлар катта вазифаларни ҳал этишлари лозим. Қишлоқ хўжалигини, агросаноат комплексининг барча тармоқларини замонавий техника билан таъминлаш кучайтирилади, қишлоққа минерал ўғит кўпроқ етказиб берилади. Капитал қурилиш — энг муҳим проблемалардан биридир: бу соҳада ўсишнинг юқори суръатлари, қурилишларни материал, машина ва механизмлар билан яхшироқ таъминлаш мўлжалланмоқда.

Планнинг социал бўлими Советлар мамлакати ҳар бир меҳнатчисига бевосита дахлдордир. Аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада ўстириш, уй-жой ва социал-маиший қурилишни муттасил ривожлантириш кўзда тутилади. 1985 йилда аҳолининг реал даромадлари 3,3 процент кўпаяди, бу эса ўтган тўрт йилдаги ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир. Ўқитувчиларнинг, қишлоқ хўжалиги ходимлари бир қанча категорияларининг иш ҳақини марказлаштирилган тартибда ошириш давом эттирилади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига берилаётган имтиёзларни кенгайтириш кўзда тутилган, бошқа муҳим тадбирлар, шу жумладан мактаб ислоҳотини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган тадбирлар белгиланмоқда.

Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш эҳтиёжлари ҳам муносиб тарзда эътиборга олинган.

План лойиҳасида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан шундай алоқаларни айниқса интенсив ривожлантириш назарда тутилади. Олий даражадаги иқтисодий кенгашнинг қарорлари ва аҳдномаларидан келиб чиқадиган ҳамма қоидалар тўла-тўкис эътиборга олинган.

План ва бюджет лойиҳалари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларининг йўл-йўриқларига мос келади, уларда мамлакат турмушига кейинги йилларда сингиб кетган янги, ижобий хусусиятлар етарлича тўлиқ ифодаланган.

Бўлиб ўтган муҳокамани эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 1985 йилги план ва бюджет лойиҳаларини асосан маъқуллади. СССР Министрлар Советига бу лойиҳаларни СССР Олий Совети муҳокамасига ҳавола қилиш тавсия этилди.

«Белгиланган ҳамма режаларни амалга ошириш соҳасидаги аниқ ва собитқадам ишни ташкил этиш вазифаси энди биринчи ўринга қўйилмоқда, — деб уқтирди ўртоқ К. У. Черненко. — Масала шу тарзда турибди: ПЛАН СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИ, имконияти ва зарурати бўлган жойларда эса ошириб бажарилиши лозим».

Хўжаликни яхшироқ юритиш, ресурслардан самаралироқ фойдаланиш, янада натижадор ишлаш — барча тармоқлар, ҳамма корхоналарнинг ишига сингдириб юборилиши лозим бўлган муштарак вазифадир. Бошқача қилиб айтганда, хўжаликни оқилона юритиш керак. Ҳозирги пайтнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бутун иш сифат жиҳатидан янада юқори поғонага кўтарилиши, ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма бўғинларини мақсадга энг мувофиқ равишда уюштириш лозим.

Моддий ресурсларни тежаш-фаолиятнинг кенг соҳасидир. Бу ишга аввалгига нисбатан принципиал бошқача ёндашиш керак. Ҳозир биз ресурсларнинг узлуксиз кўпаяётганлигига орқа қилмаслигимиз лозим. Шу кунларда айни тежаш ишлаб чиқаришни ўстиришни таъминлашнинг энг муҳим манбаи бўлиб қолмоқда. Ҳар бир корхонада тежамкорлик юзасидан аниқ ҳаракат плани ишлаб чиқилиши, бу планнинг бажарилиши устидан қаттиқ контроллик ўрнатилиши лозим. Айтайлик, ҳар бир меҳнат коллективи илғор корхоналардан ибрат олиб, ўз олдига: тежаб қолинган материаллар, хом ашё ва ёқилғи ҳисобига йилига икки кун ишлаб бераман, деган вазифани қўядиган тарзда иш тутилса яхши бўлади-ку, ахир!

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси мамлакат илғор коллективларининг хўжаликни оқилона юритиш ҳисобига корхоналар, областлар, ўлкалар ва республикаларнинг пландан ташқари тежаш фондларини вужудга келтириш соҳасидаги тажрибасини қўллаб-қувватлади. Бу фондларнинг маблағлари меҳнат коллективларининг социал эҳтиёжларига ва аввало аҳолига медицина хизматини яхшилашга сарфланадиган бўлади.

Меҳнатдан оқилона фойдаланишга, унинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилиши керак. Масалан, бир қанча коллективларнинг иш жойларини аттестациядан ўтказиш соҳасидаги ташаббуси бунга жуда мос бўлиб тушади. Партия Марказий Комитети яқинда Днепропетровск комбайн заводи коллективининг мана шундай иш тажрибасини маъқуллади. Министрликлар, маҳаллий партия, Совет ва касаба союз органлари бу ташаббуснинг оммалаштирилишини таъминлашлари лозим.

Хўжаликни оқилона юритиш — маҳсулот сифатини доимо яхшилаш демакдир. 1985 йилги план лойиҳаси бу хусусда муҳим вазифаларни кўзда тутади, аммо бу вазифаларни қилиниши лозим бўлган ишларнинг энг ози деб билмоқ керак. Чунки маҳсулотнинг сифати соҳасидаги аҳвол ҳозирча унчалик яхши эмас. Тармоқ министрликлари, марказий иқтисодий идоралар сифатни яхшилаш соҳасидаги ишни пухта негизга қўйишлари керак.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш — самарали ривожланишнинг асосидир. К. У. Черненко план лойиҳасида янги турдаги машина ва асбоб-ускуналарни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, маҳсулот турларини янгилаш миқёсларини кенгайтириш кўзда тутилганини ижобий баҳолаш билан бирга, башарти, фан ва техникани ривожлантириш проблемасига бирмунча кенгроқ позицияларда туриб назар ташланадиган бўлса, бу соҳадаги ишларнинг аҳволи муайян ташвиш туғдиради, деб уқтириб ўтди. Шу сабабли Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитетининг яқин орада ўтказиладиган Пленумида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва экономиканинг ҳамма тармоқларида уни бошқаришни такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш зарур деб топди.

Бошқарувни, бутун хўжалик механизмини такомиллаштириш — энг муҳим вазифадир. Бу ишда бешта министрлик корхоналарининг мустақиллиги ва масъулиятини кенгайтириш юзасидан ўтказилаётган эксперимент катта роль ўйнайди. Келгуси йилда яна 21 та Иттифоқ ва республика министрлиги шу экспериментга қўшилади. Бундан ташқари, кўпгина областларнинг маиший хизмат корхоналари янги шароитларда ишлашга ўтказилади.

Бизнинг экономика соҳасидаги жамики куч-ғайратларимиз пировард натижада халқ фаровонлиги мақсадини кўзлайди. Меҳнаткашларнинг даромадлари йил сайин кўпаймоқда, харидорлар тобора юқори сифатли молларни кўпроқ талаб қилмоқдалар. Шундай бўлиши табиий, аммо саноат талабнинг ўзгаришига тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. У истеъмол қилиш савияси нисбатан паст бўлган молларни ҳамон кўплаб ишлаб чиқармоқда, кўплаб талаб қилинаётган сифатли моллар эса кам. СССР Енгил саноат министрлигининг раҳбарлари бозор талабини ўрганиш ва ҳисобга олишда зарур даражадаги эпчилликни таъминлай олмадилар, бир қанча муҳим ишлаб чиқариш соҳаларини қайта қуриш ҳақида ғамхўрлик қилмадилар. Аҳоли учун моллар ишлаб чиқараётган кўпгина машинасозлик тармоқларига ҳамда савдо ташкилотларига ҳам мана шундай эътироз билдириш мумкин. Бу соҳада партиянинг йўли жуда равшан — экономиканинг аҳолига керакли моллар ишлаб чиқариш ва унга хизмат қилиш билан шуғулланувчи барча тармоқлари ва бўғинлари жадал ривожланишини таъминлаш керак.

Ишнинг муваффақияти экономикага партиявий раҳбарлик савиясини янада оширишга, омма орасидаги партиявий-сиёсий ишни ҳар томонлама кучайтиришга бевосита боғлиқ. Партия комитетлари, Совет ва хўжалик органлари қиладиган ҳамма ҳаракатлар, барча ташкилий ва ташвиқотчилик тадбирлари ўз вақтида ўтказилиши ва асосли бўлиши ўзгармас қонун деб ҳисобланиши лозим.

Социалистик мусобақадек қудратли воситадан тўла-тўкис фойдаланиш керак. Ишлаб чиқаришдаги натижалар меҳнат коллективларидаги социалистик мусобақа қандай ташкил этилишига, қандай формалар танлаб олинишига, ошкоралик қандай таъминланишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, министрликлар ва идораларга, Совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларига 1985 йилги план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллашга қаратилган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар ўтказилишини таъминлаш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мамлакат коммунистларига ва барча меҳнаткашларига мурожаат этиб, давлат план топшириқларини амалга ошириш учун социалистик мусобақага актив қўшилишга, Ленин партиясининг XXVII съездини меҳнатда юксак ютуқлар билан кутиб олишга чақирди. Бу даъват партия режаларини ўзларининг энг муҳим жонажон иши деб қабул этаётган совет кишиларининг қалбидан чуқур жой олмоқда.

(«ПРАВДА» газетасининг 17 ноябрдаги бош мақоласи).

## ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 19 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — мавсум бошидан буён машинада терилган пахта.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Бекобод | 0,06 | 106,49 | 66,89 |
| Янгийўл | 0,18 | 104,85 | 72,21 |
| Бўка | 0,02 | 102,81 | 87,41 |
| Ғалаба | 0,04 | 102,50 | 82,29 |
| Коммунистик | 0,01 | 101,54 | 104,85 |
| Оққўрғон | 0,03 | 101,36 | 85,86 |
| Чиноз | 0,03 | 101,29 | 69,84 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,03 | 100,56 | 93,61 |
| Пискент | 0,02 | 100,27 | 74,34 |
| Область бўйича | 0,04 | 102,55 | 81,63 |

## РЕСПУБЛИКАГА ЮКСАК МУКОФОТ

Совет Грузияси социалистик қурилишда, кўп миллатли давлатимиз қудратини мустаҳкамлашда кураш ва ғалабалар шонли йўлини босиб ўтди. Рус халқи билан грузин халқининг бундан икки юз йил аввал Георгий шартномаси билан мустаҳкамланган дўстлиги чор истибдодига қарши биргалашиб олиб борилган революцион курашларда, Закавказьеда Советлар ҳокимияти ўрнатилиши даврида чиниқди, фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда янада мустаҳкамланди, СССР қардош халқлари тенг ҳуқуқли оиласида республиканинг ривожланиши ва равнақ топиши учун мустаҳкам негиз ҳисобланади.

Грузия меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда эришган катта муваффақиятлари учун ҳамда Россия билан Грузия ўртасида тузилган дўстона Георгий шартномасининг 200 йиллигини нишонлаб, республика Ленин ордени билан мукофотланди.

17 ноябрда Грузия Давлат филармониясининг катта залида Грузия Компартияси Марказий Комитети ва Грузия ССР Олий Советининг республикага Ватаннинг олий мукофоти топширилишига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

#### ЎРТОҚ Ғ. Ҳ. ҚОДИРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ **Ғайрат Ҳамидуллаевич Қодиров** Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри.
1984 йил 19 ноябрь.

# К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ

## Америкадаги Эн-Би-Си телевизион компанияси мухбири М. Келбнинг саволларига жавоблари

**Савол.** Хусусан президент Рейган қайта сайланганлигини ҳисобга олганда, Сизнинг фикрингизча, Совет — Америка муносабатларининг кун тартибида биринчи навбатдаги масала нимадан иборат бўлиши керак?

**Жавоб.** Вазифа устун масалаларнинг қандайдир расмий шкаласини белгилашдан, масалаларни бирон-бир воқеаларга боғлиқ ҳолда навбат тартиби билан жойлаштиришдан иборат эмас. Дунёда проблемалар кўп, албатта, аммо ҳаётнинг ўзи, кейинги йилларда халқаро вазиятнинг ривожланиши шундай масалаларни олдинга чиқариб қўйдики, шу масалалар биргаликдаги куч-ғайрат билан ҳал этилмаган тақдирда улар Қўшма Штатлар учун ҳам, Совет Иттифоқи учун ҳам, шунингдек, бутун инсоният учун ҳам катта кулфатга айланиб кетиши мумкин.

Гап бошқа ҳамма проблемалардан ҳам муҳим, деб айтиш мумкин бўлган проблема — ядро уруши хавфини қандай қилиб даф этиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш воситасини топиш, дунёда халқлар эртанги кундан даҳшатга тушмайдиган вазиятни вужудга келтириш проблемаси тўғрисида бормоқда. Бу ишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Ғарбдаги баъзи пойтахтларда гўё қурол-яроғларни тоғ-тоғ уйиб ташлаш билан ўз хавфсизлигини таъминлаш мумкин, деган хатарли бир қолипдаги фикр мавжуд. Бу нарса ўтмишда оқилона эмас эди, ядро асрида эса умуман асоссиз, бемаънидир.

Биз ҳаммамиз бир планетада, ёки айтиш мумкинки, битта умумий уйда яшаяпмиз. Шундай қилиш кераккки, бизнинг ана шу уйимизда портловчи материал иложи борича камроқ бўлсин.

СССР билан АҚШ биринчи навбатда мана шу ҳақда, қурол-яроғларни, аввало ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш тўғрисида, қуролланиш пойгаси ҳали у қамраб олмаган соҳаларга ёйилишининг олдини олиш тўғрисида аҳдлашувга эришишлари керак.

Биз ўз томонимиздан ишни айни мана шундай олиб боришга — олиб борганда ҳам зўр ғайрат билан олиб боришга тайёрмиз. Бунинг устига биз шу мақсадга эришишнинг амалий, таъкидлаб айтаманки, амалий йўлларини таклиф этганмиз.

Яқинда «Вашингтон пост» газетаси саволларига жавобларимда ана шу йўлларнинг баъзиларини эслатиб ўтган эдим. Бу йўл — космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш тўғрисида битим тузишдан, ядро қуролларини миқдор ва сифат жиҳатидан кўпайтирмай қўйишдан, ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқишни тугаллашдан иборатдир.

Барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадидаги эҳтимол тутилган тадбирлар рўйхатини давом эттириш мумкин, албатта. Мен энг муҳим ва бизнинг фикримизча, ҳал этилиши объектив равишда энг осон бўлган масалаларни айтиб ўтдим.

Кейинги вақтларда Вашингтондагилар қурол-яроғларни чеклашга доир масалаларни ҳал этишга интилаётганликлари тўғрисида бераётган баёнотлар қуруқ сўзлардангина иборат бўлиб қолмаган тақдирда биз, ниҳоят, мамлакатларимиз ўртасидаги бирмунча нормал муносабатлар сари, бирмунча бехатар дунё сари ҳаракат қила бошлашимиз мумкин бўлур эди. Қисқа қилиб айтганда, гап конкрет проблемаларни амалий ҳал этиш йўлларини қидириб топишда АҚШнинг биз билан бирга иш кўришида қолди.

**Савол.** Совет — Америка муносабатларини муҳокама қилиш учун 1985 йил 20 январда президент Рейган ваколатларининг иккинчи муддати бошлангандан кейин олти ой мобайнида у билан учрашишга рози бўлармидингиз?

**Жавоб.** Мен давлатларнинг раҳбарлари ўртасидаги шахсий мулоқотлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида илгари ҳам жуда аниқ-равшан фикрни айтиб ўтган эдим.

Аслида Совет — Америка муносабатларининг тажрибаси ҳам буни тасдиқламоқда. Олий даражадаги учрашув натижасида аниқ белгиланган катта мақсадларга эришилган тақдирда бундай учрашув ўзаро муносабатларни конструктив ривожлантиришга қудратли омил бахш эта олади.

Олий даражадаги Совет — Америка учрашуви ундан кутаётган натижалар бериши учун зарур шарт-шароитлар вужудга келди, деб айтиш мумкинми? Очиғини айтганда, бундай шарт-шароит вужудга келган, деб ўйламайман.

Олий даражадаги учрашувнинг муваффақиятига, унинг ижобий натижаларига комил ишонч бўлган тақдирда уни ўтказиш муддатларини белгилаш ҳам қийин иш эмас.

**Савол.** Совет — Америка муносабатлари учун йўналтирувчи негиз сифатида 70-йилларда амал қилинганидек, шу муносабатларда кескинликни юмшатишга қачон бўлмасин қайтиш имконияти мавжуд, деб ҳисоблайсизми? Ёки янги негиз талаб этиладими, агар талаб этилса, у ҳолда шу негиз қандай бўла олиши мумкин эди?

**Жавоб.** Мен шундай дейман. Айни 70-йилларда мамлакатларимизнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан шу пайтга қадар бажариш амримаҳол бўлиб кўринган вазифа — ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш вазифасини ҳал этиш йўлида катта силжишга эришишга биринчи марта муваффақ бўлинди. Худди ўшанда АҚШ билан СССР баъзи халқаро проблемаларни ҳал этиш соҳасида дуруст баҳамжиҳат ҳаракат қилдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси жамланиб, дунёдаги умумий вазиятга ғоят ижобий таъсир ўтказиб келди.

Иккала томоннинг ўзаро манфаати йўлида Совет — Америка муносабатлари соҳасида ҳам талайгина ишлар қилинди. Натижада ўзаро ишонч даражаси анча ошди. Хўш, 70-йилларга хос бўлган халқаро кескинликни юмшатишга кўп жиҳатдан имконият яратган шундай тадбирларни амалга оширишга нималар имкон берган эди? Қуролланиш пойгаси ҳеч кимнинг хавфсизлигини таъминлашга қодир эмаслигини англаб етиш ўзаро муносабатларни бир-бирларининг қонуний манфаатларини ҳисобга олиб ва учинчи мамлакатларнинг манфаатларига зиён етказмай тенглик асосида қуришга амалда тайёрлик — бунинг энг асосийси эди.

Мухолифлик эмас, балки тинч-тотув яшаш йўлидан борилган тақдирда СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар учун бундан бошқа оқилона негиз бўлиши мумкин эмаслигига ишончимиз комил. Ҳар иккала томон изчилик билан шунга асосланганлари тақдирда, — Совет Иттифоқи эса худди шундай қилмоқда, — бу ҳол Совет — Америка муносабатларининг конструктив ривожланишини таъминлайди. Бу муносабатлар халқаро вазиятнинг муҳим ижобий омили бўлиб қолиши керак. Мен мамлакатларимизнинг тинчликни сақлаб қолишдаги алоҳида масъулиятини ҳисобга олиб, шу ҳақда гапирмоқдаман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар шундай тусда бўлганда айтиб ўтилганларнинг ҳаммасидан ташқари ҳозир инсониятни тўлқинлантираётган жаҳоншумул проблемаларни, масалан, дунёнинг турли районларида очарчиликка қарши кураш ҳамда атроф-муҳитни сақлаб қолиш каби проблемаларни ҳал этишда СССР билан АҚШнинг ҳамкорлик қилиши учун кенг имкониятлар очилган бўлур эди.

### СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

#### ЁЗУВЧИЛАРДАН А. А. АНАНЬЕВ, ЗУЛФИЯ (ЗУЛФИЯ ИСРОИЛОВА), А. С. ИВАНОВ, П. А. КУУСБЕРГ, С. В. САРТАКОВ, С. Н. ХАНЗАДЯН, М. Б. ХРАПЧЕНКОГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари, актив ижтимоий фаолияти учун ва СССР Ёзувчилар союзи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан қуйидаги ёзувчиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин ордени** билан **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

**Ананьев** Анатолий Андреевич.
**Зулфия** (Зулфия Исроилова).
**Иванов** Анатолий Степанович.
**Куусберг** Пауль Аугустович.
**Сартаков** Сергей Венедиктович.
**Ханзадян** Серо Николаевич.
**Храпченко** Михаил Борисович.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**К. ЧЕРНЕНКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль,
1984 йил 16 ноябрь.

### СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

#### ЁЗУВЧИЛАРНИ СССР ОРДЕНЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда СССР Ёзувчилар союзи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан **мукофотлансин:**

**ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН**

**Жумамуратов** Тиловберген.

**Шевердин** Михаил Иванович
**Яшин** Комил (**Нўъмонов** Комил Нўъмонович)

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Воҳидов** Эркин Воҳидович
**Орипов** Абдулла
**Худойбердиева** Ҳалима Умматқуловна
**Черкез-Али** (**Аметов** Черкез-Али.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**К. ЧЕРНЕНКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1984 йил 16 ноябрь.

# РЕСПУБЛИКАГА ЮКСАК МУКОФОТ

(Боши 1-бетда).

Залга Грузия Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва Грузия ССР Олий Советларининг депутатлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, корхоналар, қурилишлар, транспорт, колхоз ва совхозларнинг илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари, партия ветеранлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари йиғилдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Г. Гилашвили, Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси Д. Л. Картвелишвили, Грузия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Қизил Байроқ орденли Закавказье ҳарбий округи ҳамда Қизил Байроқ орденли Закавказье чегара округининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари у билан бирга президиумдан жой олдилар.

Тантанали мажлисни ўртоқ Э. А. Шеварднадзе очди.

Ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тантанали мажлис фахрий президиумига баланд руҳ билан сайланади.

Мажлисда йиғилиш аҳли самимий кутиб олган ўртоқ **Н. А. Тихонов** нутқ сўзлади.

Ўртоқ Н. А. Тихонов СССР Олий Совети Президиумининг Грузия ССРни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис қатнашчиларининг узоқ давом этган қарсаклари остида орденни республика байроғига қадаб қўйди.

Ўртоқ Н. А. Тихоновнинг нутқи эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Сўнгра ўртоқ **Э. А. Шеварднадзе** сўзга чиқди.

Тантанали мажлисда сўзга чиққанлар грузин халқи ютуқларига берилган юксак баҳо учун, республиканинг равнақ топиши тўғрисидаги ленинча ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига қизғин ва самимий миннатдорчилик изҳор этдилар. Нотиқлар Грузия ССР меҳнаткашлари партия ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, совет халқи улуғ Ғалабасининг 40 йиллигини муносиб кутиб оладилар, КПСС XXVII съездини меҳнатда янги-янги зафарлар билан нишонлайдилар, деб ваъда бердилар.

Мажлисда ўртоқ Н. А. Тихоновга Тбилиси шаҳри фахрий граждани унвони берилганлиги тўғрисидаги қарор залдагиларнинг қарсаклари остида ўқиб эшиттирилди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, ўртоқ К. У. Черненкога баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

# Илғорларга Қизил байроқлар

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида пахта териш ва топшириш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг шу йил 16 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил Байроғи қуйидагиларда қолдирилди:

**Янгийўл районида** (район партия комитетининг секретари Алиқулова, район Ижроия комитетининг раиси Қодиров, район агросаноат бирлашмасининг раиси Исоқов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Шамсиев, район комсомол ташкилотининг секретари Умаров, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Ералиев ўртоқлар). Бу район давлатга пахта сотиш йиллик планини 104,37 процент, шу жумладан машина терими планини 72,21 процент бажарди ва ноябрнинг учинчи беш кунлигида пахта тайёрлашда йиллик планга нисбатан 2,43 процент ўсишга, шу жумладан машина терими планига нисбатан 2,41 процент ўсишга эришди.

**Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида** (директори Эрназаров, партия ташкилотининг секретари Шаменов, касаба союз комитетининг раиси Абдулахатов, комсомол ташкилотининг секретари Имомов ўртоқлар). Бу совхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 108,93 процент, шу жумладан машина терими планини 44,36 процент бажарди. Ноябрнинг учинчи беш кунлигида йиллик пахта тайёрлаш планига нисбатан 1,87 процент ўсишни таъминлади.

**Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозда** (раиси Жўраев, партия ташкилотининг секретари Аҳмаджонов, касаба союз комитетининг раиси Назаров, комсомол ташкилотининг секретари Отахонов ўртоқлар). Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 113,93 процент, шу жумладан машина терими планини 59,15 процент бажарди ва ноябрнинг учинчи беш кунлигида йиллик пахта тайёрлаш планига нисбатан 4,01 процент, шу жумладан машина терими планига нисбатан 7,71 процент ўсишни таъминлади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозига** (раиси Пўлатов, партия ташкилотининг секретари Хикматов, касаба союз ташкилотининг раиси Ҳасанов, комсомол ташкилотининг секретари Тошматов ўртоқлар) берилди. Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 100,44 процент, шу жумладан машина терими планини 89,0 процент бажарди ва ноябрнинг учинчи беш кунлигида йиллик пахта тайёрлаш планига нисбатан 4,58 процент ўсишни таъминлади.

Байроқ Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Янгийўл районига, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига, Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ДЕПУТАТ! ЙИҒИМ—ТЕРИМНИНГ ҚАҲРАМОНИ БЎЛ!

# ДАЛАДА ҚОЛДИРМАЙМИЗ

СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари ҳамда маҳаллий Советлар депутатлари бир группасининг республика Советларининг барча депутатларига мурожаатини ҳамма қатори бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам маъқуллаб кутиб олиб, амалда қўллаб-қувватламоқдалар.

Унумли меҳнат қилиш учун, аввало, қулай шароит бўлиши зарурлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бригадамизда йиғим-терим ишларида конвейер усулининг ташкил топганига кўп йил бўлди. Бу усул катта самара бераётир. Чунки бунда биринчидан, ишчи кучи ва вақт тежалса, иккинчидан хомашё тоза ва сифатли бўлиб, юқори сортга қабул қилинади. Бригададаги 44 нафар колхозчининг ҳар бири буни тўла ҳис этиб, меҳнат қилмоқда.

Биз ишдан бўш вақтларда дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳамма қулай имкониятларга эгамиз. Дала шийпонимиз ораста ва шинам. Радио, телевизор ишлаб турибди. Алоҳида ошхонамиз бўлиб, ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Район маданият бўлими томонидан тузилган агитбригада аъзолари вақти-вақти билан концертлар, лекция ва суҳбатлар ўтказадилар. Бу тадбирларнинг барчаси маданий ҳордиқдан сўнг самарали меҳнат қилиш имкониятини бераётир.

Бригадамиз аъзолари бир неча звенога бўлинган. Ҳар бир звено коллективи ўзига бириктилган майдондаги ҳосилни йиғиб-териб беради. Бу тадбир ишда унум ва сифат бўлишини таъминламоқда. 116 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35,5 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш планини бажардик. Ана шу ҳосилнинг асосий қисмини машина бункеридан тўкдик. Бунда илғор механик-ҳайдовчилардан Чиноз қишлоқ Советининг депутатлари А. Собиров билан М. Ортиқовларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг ҳар бири мавсумда 100 тоннадан ошириб пахта терди.

Биз район Советининг депутати, «Қизил Октябрь» колхозининг Э. Очилов бошлиқ ўқувчи-ёшлар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари билан ҳар йили ўзаро мусобақалашиб ишлаймиз. Ютуқ ва тажрибаларни ўртада баҳам кўрамиз. Масалан, ҳар беш кунлик якунида икки бригада илғорларини дала шийпонида тушлик пайтида ўтказиладиган қисқача йиғилишда бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатамиз, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирамиз.

Бригадамиз аъзолари даладаги ҳосилнинг бир мисқолини ҳам қолдирмай тез ва тоза териб олиш учун ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Мурожаатда айтилган ҳар бир сўзни пахтакор ва пахта ҳақидаги ғамхўрлик деб билганимиз ҳолда, ҳосилдорликни 40 центнердан ошириб, социалистик мажбуриятларимизни ҳам тезроқ бажариш учун курашни давом эттираверамиз.

**Т. БОБОЁРОВ,**
**Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Чиноз районидаги К. Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи.**

# ЮКСАК КОММУНИСТИК ИДЕАЛЛАРНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИ ПРАВЛЕНИЕЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН ПЛЕНУМИ

Халқнинг, партия ва мамлакатнинг ҳаёти билан узвий алоқа — кўп миллатли Ватанимиз адабиёти ва санъатининг ўзига хос хусусиятидир. Бу эса совет Ўзбекистони маданиятининг қарор топиши, ривожланиши тарихида тўла даражада ўз аксини топди. Коммунистик идеалларни қарор топтиришга, чуқур ғоявийликка, гражданликка, ҳар бир асарнинг юксак бадиий савияда бўлишига интилиш республика барча бадиий зиёлилари фаолиятида асосий ўринни эгаллаб келди ва шундай бўлиб қолади. Ўзбекистон ижодий союзлари правлениеларининг 19 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган бирлашган тантанали пленумида сўзланган нутқларда ана шу фикр асосий ўринни эгаллади. Пленум Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди.

Пленумни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси К. Яшин очди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси С. О. Азимов, Ўзбекистон Театр жамияти правлениеси президиумининг раиси, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, Ўзбекистон Кинематографиячилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти М. Қаюмов, республика Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова, Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси Ж. Ю. Умарбеков, республика Журналистлар союзи правлениесининг раиси С. Ш. Қурбонов, Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг секретари М. Тожиев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Л. Н. Грязнова, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси И. Юсупов, ҳайкалтарош рассом Б. Жалолов Ўзбекистон миллий маданияти олтмиш йил мобайнида босиб ўтган ажойиб йўл тўғрисида, республика ижодий ходимлари улкан отряди вакилларининг бугунги режалари ҳақида гапирдилар. Улар совет Ўзбекистонининг синфий жанглар алангасида вужудга келган совет ва янги жамият қуриш жараёнида ривожланиб вояга етган адабиёти, санъати, архитектураси эндиликда ССР Иттифоқи кўп миллатли маданиятининг ажралмас қисмидир, деб таъкидладилар. Ўзбекистон маданияти халқ ижоди ва синфий меросининг кўп асрли демократик анъаналарига таяниб, рус ва совет санъаткорларининг — мамлакатдаги кўпгина миллатлар ва элатлар вакилларининг ажойиб тажрибасини ўзига сингдириб, тарихан қисқа муддат ичида мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилди.

Максим Горький ва Владимир Маяковский билан биргаликда революционер шоир Ҳамза социалистик реализм байроғини баланд кўтариб борган эдилар. Бу байроқни ҳозирги вақтда бизлар Ўзбекистон миллий адабиёти ва санъатининг асосчилари деб атаётган кишилар шараф билан баланд кўтариб бормоқдалар. Улар барча республикалар халқ зиёлиларининг намояндалари билан биргаликда, рус бадиий ижоди усталарининг қардошларча ёрдамида оммани сўз ва иш билан ўтмиш сарқитларига қарши, меҳнат аҳлининг, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашга сафарбар этдилар. Республика кўпгина адиблари, рассомлари ва бошқа ижодий ходимларининг асарлари мамлакат маданияти хазинасига қўшилди.

Эндиликда Ўзбекистон зиёлилари партия XXVI съезди белгилаб берган улуғвор режаларни рўёбга чиқаришга, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўзларининг бутун фаолиятида СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг юбилей пленумида ўртоқ К. У. Черненко баён этиб берган йўл-йўриқлар ва тавсияларга асосланмоқдалар.

Республика адабиёти ва санъатининг арбоблари яратилаётган асарлар ғоявий-бадиий даражасини янада оширишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда зиёлиларнинг ролини кучайтиришни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблаб келдилар ва шундай деб биладилар. Коммунистик жамият қурувчиси, ватанпарвар-интернационалист бўлган янги, ҳар томонлама камол топган ва маънавий жиҳатдан етук инсонни тарбиялаш учун курашнинг олдинги сафида бўлиш, дейишди нотиқлар, ҳар бир ижодий ходимнинг бурчидир.

Улуғ Октябрь, халқлар дўстлиги тўғрисидаги ленинча барҳаёт ғоялари Туркистон халқлари олдида мисли кўрилмаган уфқларни очиб берди, омма ижодини яшнатди. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда барча ғалабаларимизнинг манбаи — ССР Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги улуғ мавзуига бағишланиб кўпгина китоблар, фильмлар ва бошқа асарлар яратилганлиги бежиз эмас. 1966 йилги зилзиладан кейин бутун мамлакат ёрдамида Тошкентда қад кўтарган янги кварталлар, кўчалар, майдонлар совет халқларининг бирлиги, жипслигига улуғвор ёдгорлик бўлиб қолди. Шаҳарнинг гўзал проспектларидан бири халқлар дўстлиги номи билан аталганлиги, шаҳар марказида эса партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг тимсоли бўлган монумент қад кўтариб турганлиги ғоят рамзий маънога эга.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг республика барча меҳнаткашлари томонидан қизғин маъқулланган ва қўллаб-қувватланган қарорлари асосида ижодий зиёлилар олдида янги-янги масъулиятли вазифалар турибди, деб таъкидлашди нотиқлар. Партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, қамчиликларга қарши муросасиз кураш олиб бориш масалалари маданият арбобларига бевосита алоқадордир. Чунки, ёрқин образ, оташин сўз, фактлар билан асослаб берилган мақола олдимизда турган энг муҳим вазифаларни ҳал этишда, миллион-миллион кишилар онгида актив ҳаётий позицияни, ўз фаолиятига ва ўртоқларининг ишига танқидий муносабатда бўлишни шакллантиришда республика партия ташкилотларига ёрдам бериши мумкин ва ёрдам бериши зарур. Шунинг учун ҳам ижодий ташкилотларда китобхонларни тўлқинлантира олмайдиган, уларни энг муҳим проблемалар тўғрисида ўйлашга мажбур эта олмайдиган хом-хатала ва заиф асарлар яратилишига йўл қўймаслик учун ғоявий, ахлоқий ва эстетик талабчанлик муҳитини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш муҳимдир.

Ҳаётга дадил кириб бораётган энг муҳим, ўткир социал, маънавий-ахлоқий проблемаларни ўртага қўйиб, бадиий тадқиқ қилиб ҳал этаётган муаллифларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур. Бу иш кўп куч-ғайрат, катта гражданлик жасорати, принципиаллик талаб қилади, албатта. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари айни ана шундай жуда муҳим, чуқур мазмунли асарлар яратишга йўналтиради.

Ҳозирги пайтда самарали ишлаш учун ижодий ходимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ўзбекистон халқ шоири Зулфияга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилганлиги ва бир гуруҳ адиблар СССР орденлари билан мукофотланганлиги партия билан ҳукумат бадиий зиёлилар тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилаётганлигининг яна бир далилидир.

Республиканинг ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейига атаб анчагина йирик асарлар яратилди. Бу асарларда озод халқларнинг қардошлик оиласида Ўзбекистон ССР ривожланишининг барча босқичлари ўз ифодасини топди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон адабиёти, санъати, архитектураси арбобларининг бутун кучи, ижодий ғайрати Буюк Ғалабанинг яқинлашиб келаётган 40 йиллигини, КПСС XXVII съездини янги ёрқин асарлар билан кутиб олишга қаратилган.

Бирлашган пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ К. У. Черненкога баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

(ЎзТАГ).

# ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

## МАҲСУЛДОРЛИК ПАСАЙМАЙДИ

ЧИНОЗ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар белгиланиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бу тармоқ кескин ривожланди. Фойдали соҳага айланди. Масалан, 1983 йилнинг ўзида чорвачиликдан олинган соф фойда 213 минг сўмни ташкил этди.

— Муваффақиятларимизнинг бош омили моллар наслини яхшилаб, озуқа базасини мустаҳкамлаб бораётганлигимиздир,— дейди колхоз бош зоотехниги Қўзибой Мирзааҳмедов.— Хўжалигимизда ҳар йили қорамолларнинг бош сони ҳисобга олинган ҳолда мўл ва сифатли ем-хашак жамғарилмоқда. Бу соҳада белгиланган план ва мажбуриятларни бажариш қатъий қилиб қўйилган. Пировард натижада маҳсулот етиштиришни йил давомида бир текис кўпайтириб бориш таъминланаяпти.

Ҳақиқатан ҳам колхозда озуқа экинлари майдонини резервлар ҳисобига кенгайтириш билан биргаликда ҳосилдорлиги ортиб бораётир. Шу ҳисобга 1984—1985 йил қишловига 774 тонна беда пичани, 100 тонна табиий пичан, 60 тонна сомон, 1650 тонна сенаж тайёрланди. Бундан ташқари 450 тонна лавлаги етиштирилди. Мўл силос бостирилди, турли сабзавот ва бошқа экинлар чиқиндиларидан тайёрланган аралаш озуқа ҳам қиш даврида қўл келмоқда.

Айни кунларда мавжуд ем-хашакни майдалаб, қайта ишланиб, қорамолларга берилмоқда. Екатерина Мамедова, Анорхол Жумасова, Назира Тошматова сингари сут соғувчилар қарамоғларидаги сигирлардан 10—11 килограммга етказиб сут соғиб олмоқдалар.

— Қишлов биз учун катта синов,— дейди Е. Мамедова, — бу паллада ишни пухта қилмасангиз панд еб қоласиз. Колхозимизда буни жуда яхши тушунган кишилар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам маҳсулдорлик пасаймайди.

**Т. ЎЗГЕНОВ.**

# ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАТАМИЗ

Фермамиз ходимлари СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир фермада 640 бош қорамол боқилмоқда. Шулардан 243 боши соғин-сигирлар, 200 боши ғунажин, 30 боши новвос. Биз қишловга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўришга ҳаракат қилдик. 1520 тонна дағал хашак, шу жумладан 350 тонна беда пичани, 560 тонна сенаж, кўплаб миқдорда силос бостирилди. Озуқа запасини тўлдириш учун резервлар, имкониятлар тўла ишга солинмоқда. Масалан, бу йил картошка палагидан ҳам озуқа жамғариб қўйдик.

Мана, қиш-қировли кунлар яқинлашмоқда. Эндиликда асосий вазифа ана шу жамғарилган озуқадан тежамли фойдаланиб, молларни қишдан тўқ, семиз ва соғлом олиб чиқишдан иборатдир. Бу соҳада илғорлар тажрибасига амал қилиб иш юритяпмиз.

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари қиш даврида ҳам моллар маҳсулдорлигини камайтирмаслик, оз озуқа сарфлаб, мўл-кўл маҳсулот олиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Биз ҳам улар изидан борамиз. Белгиланган тадбирларимизда асосий диққат-эътиборни ем-хашак цехларининг тўла қувват билан ишлашига қаратмоқдамиз. Аввало бу цехлар ремонти барвақт тугалланди. Мутахассислар билан биргаликда мавжуд техникаларнинг қандай созланганлиги текшириб кўрилди. Ҳозирги кунда молларга бериладиган озуқалар ана шу цехда қайта ишланиб, дағал хашаклар майдаланиб, буғланиб, зарур витаминлар қўшилиб, сўнгра молларга едирилмоқда. Шунинг учун ҳам нушхўртга чиқиши кам бўлаётир.

Тўртта сигирхона, иккита бузоқхона ҳам ўз вақтида ремонт қилиб қўйилган эди. Ҳар бир чорвадор конкрет мажбурият олган ҳолда ишламоқда. И. Раимжонов, Р. Маллабоев, Т. Собирова, М. Рўзибоев сингари молбоқарларимиз сут соғувчилар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, қишловнинг намунали ўтишига ҳисса қўшмоқдалар. Дастлабки натижалар анча дуруст. Йиллик гўшт плани 100 процентдан ошириб бажарилди. 1 ноябрга қадар эса сут плани 85 процентга етказилди. Илғор сут соғувчиларимиздан Д. Усмонова, Т. Холмуҳаммедов, Т. Холматова сингари ўртоқлар ҳар бош соғин сигирдан 2700—2800 килограммдан сут соғиб олдилар. Ҳозирга қадар етиштирилган сут 366,5 тоннадан ошиб кетди.

Қишлов — чорвадор маҳорати, тажрибасига жиддий синовдир. Биз бу синовдан муваффақиятли ўтиш учун ҳамма чора-тадбирларни амалга оширамиз.

**А. РУСТАМОВ,**
**Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг зоотехниги.**

# ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

## ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ ЙЎЛИДАН

**К. У. Черненконинг Америкадаги Эн-Би-Си телевизион компанияси мухбирининг саволига жавоблари жаҳон жамоатчилигининг зўр қизиқишини уйғотди. Чет эл оммавий ахборот воситалари совет раҳбари ҳозирги замоннинг бош проблемаси — ядро уруши хавфини қандай қилиб даф этиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш воситасини топиш ва дунёда халқлар эртанги кундан даҳшатга тушмайдиган вазиятни вужудга келтириш проблемасини яна биринчи ўринга қўйганлигини қайд этиб ўтмоқдалар. Шарҳларда таъкидланадики, К. У. Черненко иккала мамлакатнинг тинчликни сақлаб қолиш учун алоҳида масъулиятдан келиб чиқиб, Совет—Америка муносабатлари муҳолифлик эмас, балки тинч-тотув яшаш йўлидан бориб, умуман халқаро вазиятда муҳим ижобий омил бўлиб қолиши керак, деган фикрни жуда равшан қилиб айтди.**

Кейинги вақтларда Вашингтондагилар қурол-яроғларни чеклашга доир масалаларни ҳал этишга интилаётганликлари тўғрисида бораётган баёнотлар қуруқ сўзлардангина иборат бўлиб қолмаган тақдирда Совет Иттифоқи билан АҚШ бир мунча нормал муносабатлар сари, бир мунча бехатар дунё сари ҳаракат қила бошлаши мумкин бўлур эди. Эн-Би-Си телекомпанияси К. У. Черненконинг шу гапини алоҳида таъкидлаб ўтди. Совет раҳбари деб уқтирилади эшиттиришда, СССР космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олишга, ядро қуролларини кўпайтирмасликка, ядро қуроли синовлари ёппасига ва батамом тақиқланишига қатъий тарафдор бўлиб қолаётганлигини яна бир бор таъкидлади. У муҳолифлик эмас, балки тинч-тотув яшаш йўлидан борилган тақдирда СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар учун шу муносабатларни бир-бирларининг қонуний манфаатларини ҳисобга олиб ва учинчи мамлакатларнинг манфаатларига зиён етказмай тенглик асосида қуришга тайёрликдан бошқа оқилона негиз бўлиши мумкин эмаслигини қайд этиб ўтди.

Эн-Би-Си телекомпанияси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг шу телекомпания мухбири саволларига жавобларини Вашингтоннинг расмий доиралари қизиқиш билан кутиб олганликларини ва у билдирган фикрларни эътибор билан ўрганиб чиқиш ниятида эканликларини хабар қилади.

АҚШ давлат секретари Ж. Шульц ўша телекомпания мухбири билан суҳбатда конкрет проблемалар юзасидан дипломатик музокаралар жараёнига ўтиш керак, деган фикрни билдирди.

Совет раҳбари айтганидек, у ҳозирги вақтда олий даражадаги Совет—Америка учрашуви ундан кутаётган натижалар бериши учун зарур шарт-шароитлар вужудга келган, деб ўйламайди, деб хабар қилади Американинг **Си-Би-Эс** телекомпанияси. Совет раҳбарининг фикрича, олий даражадаги учрашувнинг ижобий натижалар беришига комил ишонч бўлган тақдирда бундай учрашувни ўтказиш муддатларини белгилаш қийин иш эмас.

К. У. Черненко қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги масалани ядро қуролига эга бўлган икки давлат — СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг бош масаласи деб атади, деб ёзади **«Вашингтон пост»** газетаси. Газетанинг қайд этишича, совет раҳбарининг баёнотида Совет Иттифоқи шу мақсадга эришишнинг амалий йўлларини таклиф этганлиги таъкидланади.

Совет Иттифоқи Совет—Америка муносабатларида кескинликни юмшатишга қайтиш кераклигини ёқлаб чиқмоқда, бу эса айтиб ўтилганлардан ташқари ҳозир инсониятни тўлқинлантираётган жаҳоншумул проблемаларни масалан, дунёнинг турли районларида очарчиликка қарши кураш ҳамда атроф-муҳитни сақлаб қолиш каби проблемаларни ҳал этишда СССР билан АҚШнинг ҳамкорлик қилиши учун кенг имкониятлар очилган бўлур эди, деб таъкидлайди **«Нью-Йорк таймс»** газетаси. Рейган маъмурияти самимий иш кўриш ниятида бўлган тақдирда, совет раҳбарининг фикрича, энг муҳим проблемаларни амалий ҳал этиш воситаларини қидириб топиш йўли очиқ деб уқтиради газета.

**Лондонда чиқадиган газеталар** газетхонларни совет раҳбарининг Америка мухбири саволига жавоблари тўғрисида батафсил хабардор қилиб, К. У. Черненконинг қуйидаги гапини ажратиб кўрсатмоқдалар: олий даражадаги Совет—Америка учрашуви натижасида аниқ белгиланган катта мақсадларга эришилган тақдирда бундай учрашув ўзаро муносабатларни конструктив ривожлантиришга қудратли омил бахш эта олади.

ТАСС.

## АФҒОНИСТОННИНГ НОРОЗИЛИГИ

КОБУЛ. Афғонистон ташқи ишлар министрлиги Покистон томони яна агрессия хуружи қилганлиги муносабати билан Покистоннинг АДРдаги муваққат ишлар вакилига норозилик билдирди. Норозилик билдирилган баёнотда, жумладан шу йил 11 ноябрь куни Покистон қўшинлари чегарадаги Барикот районида Афғонистон территориясини тўпга тутганлиги айтилади. Ана шу ваҳшиёна хуружлар натижасида тўққиз ёшли бола ҳалок бўлди, бир аёл оғир жароҳатланди ва афғон гражданларининг уй-жойларига жиддий шикаст етказилди.

Афғонистон Демократик Республикаси, деб таъкидланади баёнотда, шу иғвогарлик хуружини қаҳр-ғазаб билан қоралайди ҳамда унинг оқибатлари учун бутун жавобгарлик тўла-тўкис ва батамом Исломобод зиммасига тушажагини яна бир бор уқтириб ўтади.

## ЭНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ УЧРАШУВ

ХАРАРЕ. Африка Бирлиги Ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқлари ассамблеясининг Аддис-Абебада тугаган XX сессияси қитъа мамлакатлари вакилларининг ўз натижаларига кўра энг муваффақиятли ўтган олий даражадаги учрашуви бўлди, деди бу ерда Зимбабве бош министри Роберт Мугабе.

Эфиопия пойтахтидан қайтиб кетгач, матбуот конференциясида сўзга чиққан Мугабе Африка мамлакатлари АҚШнинг ирқчи ЖАР билан «конструктив ҳамкорлик» сиёсатини ўтказаётганлигини қатъиян қоралаганликларини, Вашингтон билан Претория Намибия халқини мустамлака зулми остида сақлаб туришни абадийлаштириш мақсадида найранглар ишлатаётганлигини танқид қилганликларини уқтириб ўтди.

(ТАСС).



✦ **АҚШ. Тинчлик тарафдорлари Оқ уйнинг қуролланиш пойгасига зўр бераётганлигига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар. Ушбу суратда уларнинг Нью-Лондондаги (Коннектикут штати) кемасозлик корхонасида «Трайдент» системасидаги янги атом сув ости кемаси қуриб битказилишига қарши ўтказган оммавий норозилик намойиши тасвирланган.**

АП—ТАСС телефотоси.

## ИНДИРА ГАНДИ НОМИ БИЛАН

ДЕҲЛИ. 19 ноябрь. (ТАСС). Осиё жамияти кенгаши таъсис этган олтин фахрий нишон Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби Индира Ганди номи билан аталди. Халқаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга муҳим ҳисса қўшган кишилар ана шу нишон билан мукофотланадилар. Кенгашнинг бугун Калькуттада бўлиб ўтган мажлисида ҳар йили Индира Гандини хотирлаб, миллий бирликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган махсус лекциялар туркумини ўтказиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Ҳинд халқининг шонли қизи вафотидан кейин Осиё жамиятининг олий мукофоти — инсонпарвар ёзувчи Рабиндранат Тагор фахрий нишонига сазовор бўлди. Бу нишон маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлик учун берилади.

Осиё жамиятининг бош секретари Чандан Рой Чоудхури кенгаш мажлисида сўзга чиқиб, Индира Ганди ҳамма эътироф этган миллий раҳбар эди, деди. Кейинги йилларда Ҳиндистон эришган катта-катта ютуқлар, деб уқтирди у, Индира Ганди номи билан чамбарчас боғлангандир. Миннатдор халқ унинг порлоқ хотирасини асло унутмайди, деб таъкидлади Ч. Р. Чоудхури.

●

## ҚЎПОЛ АРАЛАШУВГА ҚАРШИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг энг катта шаҳарларидан бири Калькуттада Қўшма Штатлар билан Буюк Британия Ҳиндистоннинг ички ишларига қўпол аралашувни давом эттираётганига қарши оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Умумҳиндистон студентлар федерацияси билан ҳинд ёшлари Умумҳиндистон федерацияси ташкил этган намойишларнинг қатнашчилари «империалистларнинг Ҳиндистонга қарши кирдикорларига йўл қўймаймиз» деган сўзларни баралла айтиб, шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

